

**КОМПЕНСАЦИОН ЖАЗО НАЗАРИЯСИ****Розиков Илхом Истамович**

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси, адвокат, медиатор.

+9989432321805 [ilhomroziqov5@gmail.com](mailto:ilhomroziqov5@gmail.com)<https://doi.org/10.5281/zenodo.18927055>

**Аннотация.** Мазкур тақолада жиноий жазо назарияларнинг тушунчаси ва ўзига хос жиҳатлари ўрганилган бўлиб, бу борада олимларнинг фикрлари таҳлил этилган. тақолада жазо назарияларининг моҳиятини яхшироқ англаш учун жазонинг тарихий ривожланиши, мақсадлари ва айбдор шахсга таъсири ҳақидаги асосий назариялар ва қарашлар таҳлил қилинади, шунингдек уларнинг асосида жазонинг моҳияти ва унинг мақсадларини англаш ҳозирги вақтда жиноят қонунчилигида жазо ҳисобланмайдиган жиноий-ҳуқуқий характердаги бошқа, муқобил чораларнинг моҳияти аниқланади. Уларни амалда қўллаш муаммоси ҳақида фикр билдирилган.

**Kalit so'zlar:** jinoyat, fuqarolik ishi, zarar, jazo, maqsad, jarima, nazariya.

**COMPENSATORY THEORY OF PUNISHMENT**

**Abstract.** This article examines the concept and distinctive features of theories of criminal punishment and analyzes the views of scholars on this issue. In order to better understand the essence of punishment theories, the article analyzes the historical development of punishment, its objectives, and the main theories and approaches concerning its impact on the offender. Furthermore, based on these considerations, the essence of punishment and its purposes are explored, and the nature of other alternative measures of a criminal-law character, which are not regarded as punishment in modern criminal legislation, is clarified. The article also presents opinions on the problems related to their practical application.

**Keywords:** crime, civil case, damage, punishment, purpose, fine, theory.

Етказилган зарарни қоплаш, фуқаролик ишларидан фарқли ўларок, жиноят ишларида жиноятчини жазолаш йўли билан берилади. Ушбу жазо назарияси ривожланиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, етказилган зарарни ундириш дастлаб товон пули атамаси билан юритилган.

Жиноят қонунчилигида асосий эътибор жиноятчини жазолаш ёки суд ва бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари орқали мавжуд бўлган барча ресурслар ва имкониятлари билан қонунбузарликнинг тузатилишини ва бузилган ҳуқуқларни тиклашдир.

Жиноятда жабрланганларга товон пули асосан икки асосда қопланиши мумкин, яъни

1) Шахсга (ёки бир гуруҳ шахсларга) ёки мол-мулкка зарар етказган жиноятчи жабрланувчига етказилган зарарни қоплаши;

2) Фуқароларининг хавфсизлигини таъминламаган давлат етказилган зарар учун товон пули бериши шарт.

Жиноят ҳуқуқида компенсацион жазо назарияси- бу олдини олиш, ислоҳ қилиш ва интиқом жазо назарияларининг асл моҳиятига яқинроқ ташкил этади.

Мамлакатимизда “бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини

ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилади. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар, шунингдек маънавий зарар ўзига хос хусусиятларга эга”<sup>1</sup>.

Шунингдек, маънавий зарарни қоплаш масаласи узоқ вақтдан бери ҳуқуқшунослик соҳасидаги назариётчилар ва амалиётчиларнинг диққат марказида бўлган ва ҳанузгача тегишли илмий тадқиқотлар мавзуси бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда маънавий зарарни қоплашнинг алоҳида масалаларини қамраб олган жиддий илмий-назарий тадқиқотлар ва амалий нашрлар пайдо бўлди.

Ушбу бобда биз жиноят ҳуқуқида компенсацион жазо назариялари бўйича олимларнинг фикрларини, халқаро тажрибаларни ўрганиб, таҳлил қилиб, уларни ижобий томонларини Ўзбекистон амалиётига жорий қилиш таклифлари кўриб чиқилади.

Таниқли ҳуқуқшунос олим Л.В.Головконинг фикрига кўра, жиноят жабрланувчиси ўзининг мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларини тиклашга эҳтиёж сезади, бунда давлат умумий ҳолатда жиноий процессуал меъёрларни тузишда жабрланувчининг ҳуқуқларини тиклашга жуда катта эътибор қаратиши зарур, хусусан ваколатли давлат органлари жиноий иш юритаётган пайтда мазкур ҳолатга конкрет ҳолатда ёндошиши лозим.<sup>2</sup>

Э.Эшуортом таклифига кўра "тиклаш парадигмаси" моҳияти қуйидагича бўлиши лозим: жиноий одил судловнинг моҳияти фақат жазолашдан иборат бўлибгина қолмай, балки жиноят қурбонларини, жабрланувчи шахсларнинг ҳуқуқларини тиклашда қаратилиши зарур бўлиб, бунда манфаатлари деярли барча жиноий-процессуал механизмларга бўйсунадиган давлатнинг ҳуқуқларини, қайта тиклашнинг бир тури сифатида жорий этиш лозим.<sup>3</sup>

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январда “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-515-сонли қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу қонуннинг асосий вазифалари жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ва жиноят процесси бошқа иштирокчиларининг (бундан буён матнда ҳимоя қилинувчи шахслар деб юритилади) ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз таҳдиди мавжуд бўлганда қўлланиладиган, жиноятларнинг олдини олишга ёки уларни фош этишга кўмаклашадиган, хавфсизлик ва ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизимини белгилашдан, шунингдек уларни қўллашнинг асослари ҳамда тартибини аниқлашдан иборатлиги белгиланган.

Аммо мазкур қонунда жабрланувчи ва гувоҳларнинг жиноят процесси давомидагина фақат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёндошилганлигини гувоҳи бўламиз.

Чунончи, мазкур қонуннинг 19-моддаси мазмунига кўра “Ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи орган ҳимоя қилинувчи шахснинг ҳалок бўлганлиги (вафот этганлиги) ҳақидаги аризани (хабарни) олганидан ҳамда ҳалокат (ўлим) шахснинг жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан содир бўлганлигини аниқлаганидан сўнг, ҳалок бўлган (вафот этган) шахснинг оила аъзоларига ва унинг қарамоғида бўлган шахсларга нисбатан ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш ҳақида ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисида уч сутка ичида қарор (ажрим)

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 18.02.2021 й., 03/21/675/0126-сон.

<sup>2</sup> Головки.Л.В. Альтернативы уголовному преследованию как форма процессуальной дифференциации: Современные тенденции развития: дис. докт. юрид. наук. М., 2004. С. 44.

<sup>3</sup> Головки.Л.В. Альтернативы уголовному преследованию как форма процессуальной дифференциации: Современные тенденции развития: дис. докт. юрид. наук. М., 2004. С 48-49.

қабул қилиши шартлиги”, шунингдек “ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилувчи орган ҳимоя қилинувчи шахсга жиноят процессида иштирок этиши муносабати билан тан жароҳати ёки унинг соғлиғига бошқача зиён етказилганлиги, мулкый зарар етказилганлиги ҳақидаги аризани (хабарни) олгач, ушбу аризани (хабарни) текшириб кўриши ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини қўллаш ҳақида ёки уларни қўллашни рад этиш тўғрисида уч сутка ичида қарор (ажрим) қабул қилиши шартлиги” баён қилинган бўлиб, фақатгина ушбу хавфсизлик чораларини кўриш учун сарфланадиган маблағлар яъни “Ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилиш чораларини молиялаштириш ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш бюджет маблағлари ҳамда ҳимоя қилишни таъминловчи давлат органларига шу мақсадлар учун ажратиладиган, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши, ҳимоя қилинувчи шахсларни ҳимоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ушбу шахсларнинг зиммасига юклатилиши мумкин эмас”<sup>4</sup>лиги белгиланган.

Ҳолбуки, жиноий ишни кўриб чиқиш жараёнида одил судловга бўлган ҳуқуқ расмий айблов эълон қилинган пайтдан эмас, балки давлат шахсни эркин ҳаракатланишига жиддий тарзда тўсқинлик қилган пайтдан ёки келгусида жиноий таъқиб қилиш эҳтимоли сақланган ҳолда шахсга ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятидан маҳрум қилиш учун бошқа чоралар қўлланган пайтдан бошланиши белгиланган.<sup>5</sup>

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 55-моддасида жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган бўлиб, мазкур нормада ҳам “ўзига (жабрланувчи) етказилган зарарни бартараф этиш ҳуқуқи” назарда тутилмаган

Жиноят қурбонларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси адолат фалсафаси алоҳида ўрин тутди. Аммо, жиноят қонунчилигини амалга ошириш жараёнида жиноят жабрланувчисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланмаган бўлса, адолатни амалга оширилган деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги<sup>6</sup> қарорида, жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш фуқаролар, корхона, муассаса, ташкилотлар, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, давлатнинг мулкый ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши, шахснинг унга етказилган зарарни (яъни мулкый зиённи) қоплашга бўлган ҳуқуқи, шунингдек, зиён учун моддий жавобгарликнинг умумий асослари Фуқаролик кодексида (14-моддаси, 57-боби) белгиланган.

Давлатнинг вазифаси шахсга етказиши мумкин бўлган зарар ва маънавий азобланишига олиб келган тажовузларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олдини олиш ва уларни бостиришдан иборатдир, шунингдек жиноят қурбонига қонун

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 январда “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-515-сонли қонунининг 26-моддаси.

<sup>5</sup> Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди: 1993 йил 24 ноябрдаги қарор, 36-банд; Джон Мюррей Бирлашган Қиролликка қарши, № 18731/91 шикоят, 1996 йил 8 февралдаги қарор, 62-банд; 2002 йил 20 январдаги қарор, 75-банд.

<sup>6</sup> Ўзбекистон республикаси Олий суди Пленумининг 27.12.2016 йилдаги “Жиноят натижасида етказилган

мулкый зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 26 сонли қарори.

билан тақиқланмаган ҳар қандай усул билан ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини бериш тушунилади.

Шундай қилиб, юқорида айтилганларнинг барчаси қонун чиқарувчига ўз фаолиятида туб бурилиш зарурлигини кўрсатади, жиноий жараёнда жабрланувчининг мақомига ва унинг жиноят туфайли зарар кўрган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тезда тиклашга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Жиноят ва суиистеъмол қурбонлари учун одил судловнинг асосий тамойиллари Декларацияси (БМТ БошАссамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги 40/34 қарори билан тасдиқланган) қабул қилинган бўлиб, унга кўра жиноий хатти-ҳаракатлар натижасида зарар етказилган, шу жумладан тан жароҳати етказилган шахслар ёки маънавий зарар, руҳий азоб-уқубатлар, моддий зарар ёки уларнинг асосий ҳуқуқларини жиддий бузиш судлов механизмларидан фойдаланиш ва тезкор компенсация олиш ҳуқуқига ваколат беради.

Жиноят қурбонларига яқка тартибда ёки жамоавий равишда етказилган зарар - жисмоний ёки руҳий саломатликка зарар етказиш-руҳий тушқунлик, иқтисодий йўқотишларни ўзичига олади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатларнинг амалдаги миллий жиноят қонунларини бузган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик натижасида уларнинг асосий ҳуқуқларини сезиларли даражада бузилиши (1-банд) ва "жабрланувчи" тушунчасига бевосита жабрланувчининг яқин қариндошлари ёки қарамоғидаги шахслар ҳам киради (2-банд)

Жиноят ишларини кўриб чиқаётган суд жиноятчи томонидан жабрланувчига товон пули тўлаш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Бунинг учун мавжуд чекловлар ёки техник тўсиқларни олиб ташлаш керак, бу одатда бундай чорадан фойдаланишни истисно қилади.<sup>7</sup>

1977 йил 28 сентябрда Европа Кенгаши Вазирлар Қўмитаси (77) 27-сонли "Жиноятчилик қурбонларига товон пули тўғрисида" қарорини қабул қилди<sup>8</sup>, унда бу имкониятлар оқилона қайд этилган бўлиб, унга кўра жабрланганлар учун мавжуд бўлган товон пули кўпинча етарли эмаслиги аниқланган.<sup>9</sup>

Шу сабабли, БМТга аъзо давлатлардан адолат ва ижтимоий бирдамлик сабабли жабрланганларга товон пули тўлаш бўйича махсус чораларни ишлаб чиқиш таклиф қилинди, улар БМТ томонидан ишлаб чиқилган принципларга асосланиши кераклиги тавсия қилинган. Мазкур ҳужжатларда жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш жиноят содир этган шахсинг имкониятлари билан таъминланмаса, давлатнинг товон пули тариқасида хайрия қилиш йўли билан компенсация қилиниши кераклиги белгиланган.

Жиноят натижасида етказилган зиённи қоплашда имкон қадар тўлиқ ва адолатли бўлиш, зарарнинг моҳияти ва оқибатларини ҳисобга олиш, амалий ва иқтисодий сабабларга кўра компенсация миқдорининг энг кам ва максимал миқдори ва бошқалар

<sup>7</sup> Рекомендация NR (85) 11 Комитета министров Совета Европы «О положении потерпевшего в рамках уголовного права и процесса» // Сборник документов Совета Европы в области защиты прав человека и борьбы с преступностью. М.: СПАРК, 1998. С. 114-116.

<sup>8</sup> Криминальное насилие против женщин и детей: международные стандарты противодействия: сб. документов / сост. В.С. Овчинский. М., 2008. С. 193-195.

<sup>9</sup> Криминальное насилие против женщин и детей: международные стандарты противодействия: сб. документов / сост. В.С. Овчинский. М., 2008. С. 193-195.

назарда тутилиши мумкин.<sup>10</sup> Жиноятдан жабрланганларнинг ҳуқуқларини тиклашда компенсация тўғрисидаги қоидаларни қайта қайта кўриб чиқиб, муваффақиятсиз жиноий жавобгарликка тортиш ҳолатларида, яъни жиноят содир этган шахснинг шахси аниқланмаганлиги, қонунбузарнинг моддий имкониятлари чекланганлиги ёки ўлими, террористик ҳаракатлар натижасида келиб чиққанлиги ҳолатларида давлат бюджети ёки махсус ташкил қилинадиган фондлар ҳисобидан зарарни оқилона вақт ичида қоплашни ўз ичига олган норматив ҳужжатларни қабул қилишни таклиф қиламан.

Асосий декларациясида назарда тутилган ҳолатларга, яъни «агар компенсацияни ҳуқуқбузар ёки бошқа манбалардан тўлиқ ҳажмда олиш имкони бўлмаса, давлатлар молиявий товон пули бериш чораларини кўришлари керак. Ҳуқуқшунос олим В.С.Шадрин тадқиқотчилар эътиборини, яъни “жиноятлар ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш қурбонлари учун адолат тамойилларини яратиш зарурлигига қаратиши таъкидланган.<sup>11</sup>

Бир нечта хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигини қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида мамлакатлар жиноятлар қурбонлари муаммоларини ҳуқуқий тартибга солишда бир қатор хусусиятлар аниқланди.

Масалан, Франциянинг 1977 йил 3 январ қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексига биноан, жиноят, нотўғри хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи шахсан зарар кўрган ҳар қандай шахс тегишлилиги таъкидланган

"Жиноят жабрланувчисига етказилган зарарни қоплаш тўғрисида" ги қонун бидан Франция Жиноят-процессуал кодексига жиноятдан жабрланганларга товон пули тўлашни тартибга солувчи янги моддаларни киритди. Ушбу қонун туфайли жабрланувчи жиноят туфайли етказилган зарар учун товон пули тўлаш пайтигача давлатдан олиш имкониятига эга бўлди.

Бунда қонунбузар судга берилади, суд асосий ҳукмдан ташқари зарарни қоплаш тўғрисида қарор қабул қилади. Давлатнинг ўзи, мурожаат қилиш тартибида, маҳкумдан жиноят жабрланувчисига етказилган зарарни тўлаш учун барча харажатларини ундириб олади.<sup>12</sup>

Ўзбекистонда “Жиноят жабрланувчиларини қўллаб-қувватлаш уюшмаси” ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шундан сўнг мазкур фонд маблағларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмлари жорий қилиниши даркор.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида жиноятлар қурбонларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масаласи ўта долзарбдир. Бу нафақат жиноят натижасида жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги умидсиз суд статистикаси, балки Ўзбекистон ўз зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариши билан ҳам боғлиқ.

Жиноий ишлар бўйича жабрланувчиларни таснифлаш: а) жиноий жавобгарликка тортиладиган шахс аниқланган ҳолатда- жабрланувчининг имкониятлари билан) очилмаган жиноятнинг жабрланувчисининг имкониятлари) ўзига қарши жиноят содир

<sup>10</sup> Варпаховская Е.М. Вопросы правового регулирования возмещения вреда жертвам преступлений в международно-правовых стандартах и законодательстве отдельных государств // Сибир. юрид. вестн. №3 (58). 2012.

<sup>11</sup> Шадрин В.С. Обеспечение прав личности при расследовании преступлений. М., 2000. С. 157.

<sup>12</sup> Кобец П.Н. Зарубежный опыт возмещения вреда потерпевшим в уголовном процессе // Российский следователь. 2011. № 7. С. 34-37.

этишнинг виктимологик имкониятини яратган жабрланувчи. Айнан шу ёндашув шаклланаётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётида бир қатор муаммоларни, баъзида эса процессуал қарорларни қабул қилишда асоссиз субъективликни аниқлашга имкон беради.

Иккинчиси-жабрланувчилар мақомини тартибга солинадиган қонунчилик базасини такомиллаштириш. Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, жиноят процессида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини тиклаш жараёнини қонунчилик билан тартибга солишнинг қуйидагича жорий этиш лозим: 1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 54-моддаси янги банд билан тўлдирилсин: «жиноят жабрланувчиси жиноий жавобгарликка сабаб бўладиган хатти-ҳаракатлар натижасида зарар кўрган жисмоний ва юридик шахслардир. (Жиноятлар), давлат мақомини олган ҳолда (терроризм, экстремизм), мажбурий суд муҳофазаси ҳуқуқига эга. Мазкур ҳолатда жабрланганларга етказилган зарар учун давлат ва жамият томонидан тўлиқ компенсация қилинади».

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон республикаси президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247- сонли Фармони 14-банди, <https://lex.uz/docs/5459107>
2. Ўзбекистон Республикасининг «Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 38-39-сон, 420-модда; 2017 й., 35-сон, 916-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685- сон).
3. Ўзбекистон республикасининг “Маҳкумларнинг ҳамда қамокда сақланаётган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2019 йил 14 март куни ЎРҚ-530-сонли қонуни, (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.03.2019 й., 03/19/530/2769-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, <https://www.lex.uz/acts/111453>
5. Олий суд. Стат.уз. <https://stat.sud.uz/file/2021/>.